

КАПИТАЛ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ЯШИЛ ОБЛИГАЦИЯЛАРЛАРДАН Фойдаланиш


<https://doi.org/10.5281/zenodo.11398383>

Мухиддин Эшмурадов
Мустақил изланувчи, ТДИУ

Глобализация шароитида пул ресурсларини жалб қилишнинг юқори потенциалига эга бўлган янги молиялаштириш инструментлари пайдо бўла бошлади, шундай янги молиявий инструментлардан бири яшил облигациялар ҳисобланади. Эко-инновациялар барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда, атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтириш ва табиий ресурслардан янада самарали ва оқилона фойдаланиш орқали сезиларли ва аниқ ўсишга қаратилган ҳар қандай янгилик шакли сифатида таърифланади, яшил иқтисодиётнинг эса умум эътироф этилган таърифи мавжуд эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан яшил иқтисодиётга иқтисодий фаолият сифатида ҳисобга олинган, инсонларнинг фаровонлигини яхшилаш ва ижтимоий адолатни таъминлаш, экологик хавфларни ва табиатга зарар етказишни сезиларли даражада камайтирадиган фаолият сифатида таъриф беради.

Яшил облигациялар ёки иқлим облигациялари глобал капитал бозорида ўзининг юришини 2009 йилда Жаҳон Банки томонидан киритилгандан сўнг бошлаган. Жаҳон Банки томонидан ушбу облигациянинг глобал капитал бозорига киритилишининг асосий мақсади глобал экотизимдаги экологик ва ижтимоий балансни сақлаб қолишдир. Яшил облигациялар нафақат АҚШ, Европа ва Хитойдаги институционал инвесторлар балки хусусий инвесторларда ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди ва унинг инвесторлар учун жозибадорлиги бир қатор тебранишлар билан бўлсада, юқори даражада сақланиб турибди.

Яшил облигациялар хусусий ташкилотлар, давлат ташкилотлари тимсолида миллий ҳукумат, маҳаллий ҳукумат ёки давлат органлари ҳамда халқаро молия институтлари масалан, Жаҳон банки, Европа инвестиция банки ва бошқалар томонидан чиқарилиши мумкин. Яшил облигациялар асосан АҚШ доллари ва еурога чиқарилади (эмиссиянинг 80% га яқини), уларнинг ўртача муомалада бўлиш муддати 5–10 йилни ташкил этади. Яшил облигациялар нафақат атроф-муҳитга эътиборли инвесторлар орасида, балки иқлим ўзгаришларининг корхоналар ва давлат сиёсатида сезиларли таъсир қилишидан хабардор бўлган инвесторлар ўртасида ҳам тобора оммалашиб барқарор инвестиция воситасига айланиб бормоқда. Жаҳон амалиётида яшил облигацияларни халқаро капитал бозорига чиқариш ва халқаро реестрга киритиш учун Капитал бозорлари халқаро Ассоциацияси ва Иқлим облигациялари ташаббуси талабларига жавоб бериши керак. Муомалага чиқарилаётган облигациялар яшил облигациялар сифатида тан олиними учун юқорида қайд этиб ўтилган ташкилотлар томонидан эътироф этилган асосий тамойилларга мос келиши керак. Асосий тамойиллар белгиланган йўналиш ва қарашларни ўзида мужассамлаштирган, барча иштирокчилар учун бир хил бўлган ихтиёрий қоидалар тўпламидир. Асосий тамойиллар глобал қарз капитали бозорларининг тараққиётни молиялаштиришдаги родини ошириш орқали экологик ва ижтимоий барқарорликка эришишга хизмат қилади. Асосий тамойилларга яшил облигацияларни чиқаришнинг мақбул амалиётлари ҳамда глобал бошқарув тамойиллари ва тавсиялари сингдирилган. Тамойиллар маълумотларни очиқлаш ва шаффофликни таъминлаш орқали ижтимоий ва экологик мақсадларга эришишни назарда тутди ва шу асосда бозор яхлитлиги сақлаб қолинади. Яшил облигацияларнинг асосий тамойиллари молия бозори иштирокчиларини экологик ва ижтимоий ўзгаришларнинг салбий таъсири тўғрисида кўпроқ хабардор қилиш асносида барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун катта ҳажмдаги капитални жалб қилишга қаратилган [1].



1-расм. Халқаро миқёсда чиқарилган яшил облигациялар эмиссияси ҳажми, 2014-2022 [2]

Яшил облигациялар қимматли қоғозлар бозорида янги молиявий инструмент сифатида бошқа инструментлардан экологик фойдали лойиҳаларни, қайта тикланадиган энергетика лойиҳалари, энергетика самародорлигини ошириш ва экологик тоза транспортдан фойдаланишни молиялаштиришга йўналтирилиши билан фарқланади. Яшил облигациялар эмитентлар учун ҳам инвесторлар учун фойдали ҳисобланади. Экологик фойдали лойиҳаларга инвестиция киритиш орқали эмитент корхона узоқ муддатли барқарор ўсишга йўналтирилган корхона сифатида ўзи учун ижобий имидж яратади. Бизнес учун ушбу факторнинг таъсири йилдан йилга ошиб бормоқда. Шунингдек, яшил облигацияларнинг яна бир устунлиги, инвесторлар томонидан юқори талаб мавжудлиги ҳисобига нисбатан паст қийматдаги купон тўловлари орқали капитал жалб қилиш имконини беради. Йилдан йилга экологик ҳолат ёмонлашиб борган сари портфелига яшил активларни қўшиб боришни хоҳловчи институционал инвесторлар сони ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда 700 дан ортиқ компаниялар томонидан яшил облигациялар эмиссия қилинган бўлиб, уларнинг асосий қисми АҚШ, Хитой, Франция, Австралия каби ривожланган мамлакатларда фаолият олиб боради,

шунингдек, ҳозирги кунда Грузия, Қозоғистон ва Покистон каби ривожланаётган мамлакатлар ҳам “яшил облигациялар” эмиссия қилиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширишмоқда. Жаҳон миқёсида яшил облигациялар бозори таҳлилларидан кўриш мумкинки, бирламчи савдо ҳажми йилдан йилга ошиб бораётганлиги ҳозирги кунда бу бозор капитал бозорининг борган сари инвестиция жалб қилиш учун жозибадор сегментларидан бирига айланиб бораётганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг ҳолати, миллий иқтисодиёт корхоналарининг асосий воситаларининг ҳолати ва техник жиҳозланиш даражаси, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш имконияти ҳамда ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш инвестиция сиёсатининг самарадорлигига боғлиқ.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, яшил облигациялар корхоналарни, алоҳида тармоқларни ва умуман иқтисодиётни ривожлантириш учун асосдир, чунки ҳозирги вақтда миллий иқтисодиётнинг техник ва технологик даражаси паст, ишлаб чиқариш ва саноат таркиби ноаниқ, асосий воситалар ва ишлаб чиқариш қуввати эскирган бир вақтда корхоналар учун замон талаблари даражасига мослашиш учун керак ресурсларни таъминлайди. Шу сабабли мазкур амалиётга эътибор қаратиш лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Nosirov, E.. (2023). “Yashil” obligatsiyalarni muomalaga chiqarishning nazariy va amaliy jihatlari. Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot. 40-45. 10.55439/GED/vol1_iss10/a8.
2. <https://www.statista.com/statistics/1289406/green-bonds-issued-worldwide/>
3. Kobulov K. МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШГА “ЯШИЛ ЧИРОҚ”–ДАВР ТАЛАБИ //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 35.

4. Mohira Shavkat Qizi Davlatboyeva, Inomjon Turayevich Jumaniyazov
Yashil byudjetlashtirish va uni O'zbekistonda joriy etish istiqbollari // Science and
Education. 2023. №2.

